

---

## “Зулфияхоним издошлари” саралаш босқичи жараёни.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-2326-сонли Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Данғара туманида иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, муносибларини Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия қилиш мақсадида туман босқичи бўлиб ўтди.

Танловда адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим, спорт ва жамоатчилик йўналишларида ижод қилаётган, фаолият юритаётган иқтидорли қизлар ҳужжатлари кўриб чиқилиб, номзодлар суҳбатдан ўтказилди. Энг муносиблари ғолиб деб топилиб, туман хокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

---

2024-10-25 10:00:47